



Кодекс Алиментариус (Codex Alimentarius)[1] озик-овкат махсулотлари, шу жумладан озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг хавфсизлиги бўйича халқаро микёсда тан олинган меъёрлар, амалиёт мезонлари, кўрсатмалари ва бошқа тавсияномалар мажмуидир.

Мазкур кодекслар 1963 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Озик-овкатлар ва Зироатчилик Ташкилоти (ОЗТ/FAO - Food and Agriculture Organization of the United Nations) ҳамда Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ЖСТ/WHO - World Health Organization) томонидан тузилган Кодекс Алиментариус Комиссияси томонидан ишлаб чиқилган.

Комиссия ўз фаолиятини ОЗТ/ЖСТ Кўшма Озик-овкатлар Стандартлари Дастури (Joint FAO/WHO Food Standards Programme) каби лойиҳалар доирасида юргзади. Комиссиянинг мақсадларига истеъмолчилар соғлигини химоя қилиш, озик-овкат махсулотлари бозорида адолатли савдо амалиётини таъминлаш, ҳамда халқаро, ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотларнинг озик-овкат стандартлари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни рағбатлантириш қиради.

Кодекс Алиментариуснинг аҳамияти БМТ Бош Ассамблеясининг 39/248-сонли резолюциясида алоҳида таъкидланган. Жумладан унда аъзо давлатларга миллий стандарт ва меъёрларини ишлаб чиқаришда Кодекс Алиментариус стандартларига мувофиқликни таъминлаш тавсия қилинган.

Кодекс Алиментариус стандартлари нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро битимларда ҳам ўзига хос мавқе эгаллаб бормоқда. Хусусан, НАФТА (NAFTA), Меркосур (MERCOSUR), АПЕК (APEC), Европа Иттифоқи директивалари ва бир қатор давлатлараро икки томонлама битимларда Кодекс Алиментариус стандартларини қўллаш бўйича келишиб олинган.[2] Табиийки, ягона стандарт асосида ишлаб чиқилган миллий меъёрий ҳужжатлар халқаро савдо ривожланиши учун ҳам жуда муҳим омил ҳисобланади.

Хозирда Кодекс Алиментариус 300 дан зиёд стандартларни ўз ичига олган.[3] Кодекснинг баъзи матнлари бир ёки бир туркум озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқаришга қўйилган талабларни ёритиб берса, бошқалари ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш ёнги истемолчилар ва озик-овкат махсулотлари хавфсизлиги соҳасидаги давлат назорат тизимлари фаолиятига бағишланган.

Жумладан, Кодекс Алиментариус Комиссияси 1997 йил 23-28 июнда Женевада ўтказилган 22-сессиясида “Халол” иборасининг Қўлланилиши бўйича Умумий Қўрсатмаларни (General Guidelines for Use of the term “Halal” CAC/GL 24-1997 1)[4] қабул қилган. Қўрсатмалар Кодекс Алиментариус Комиссиясига аъзо бўлган барча 179 давлатга юборилиб, уларни амалиётга татбиқ қилиш тегишли ҳукуматларга тавсия қилинган.[5] Шунингдек алоҳида таъкидлаш жоизки кўп давлатлар билан бир каторда Ўзбекистон ҳам Кодекс Алиментариус Комиссияси аъзоси ҳисобланади.

“Халол” иборасининг Қўлланилиши бўйича Умумий Қўрсатмалар тўрт бўлимни ўз ичига олиб, уларда Қўрсатмалар қўлланилиш доираси (1.), “Халол” тушунчаси (2.) ва “Халол”лик мезонлари (3.), ҳамда “Халол” тамгаларини қўлланилиши (4.) бўйича талаблар қўрсатилган. Умумий Қўрсатмалар “Халол” бўлмаган гўшт махсулотлари (3.1.1.), шунингдек гўшти “Халол” бўлган молларни сўйиш тартибини (3.2.) батафсил баён қилган.

Элсатиб ўтиш лозимки, Умумий Қўрсатмаларнинг ўзида таъкидланганидек қўрсатмалар асосий тамойилларни ўз ичига олиб, мазкур стандартлар муаян ҳудудда кенг тарқалган мазҳаб талабларига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шунингдек мазкур стандартлар билан бир каторда “Халол” махсулотлари ишлаб чиқарувчилари Кадокланган озик-овқат махсулотларни маркировкаси бўйича Умумий стандартлар (General Standard for the Labelling of Prepackaged Foods - 1.2.), Маълумотлар хақидаги Умумий қўрсатмалар (General Guidelines on Claims - 1.3.), Янги Гўшт махсулотлари учун гигиена қоидалари (Recommended Code of Hygienic Practice for Fresh Meat - 3.2.), Озик-овқат махсулотлар умумий гигиенаси Тамойиллари (General Principles on Food Hygiene - 3.3.), ҳамда бошқа тегишли стандартларга риоя қилишлари шарт.

Кодекс Алиментариуснинг “Халол” иборасининг Қўлланилиши бўйича Умумий Қўрсатмалари Бруней Даруссалом,[6] Иордания[7] ва Россия каби бир катор давлатларда[8] “Халол” сертификатларини бериш тартибини, ундан ташқари АСЕАНнинг (ASEAN) “Халол” озик-овқат махсулотларини тайёрлаш ва тартибга солиш бўйича Умумий Қўрсатмалари[9] ишлаб чиқишда қўлланилган.

[1] Codex Alimentarius Лотин тилида озик-овқат кодекси ёки китоби деган маънони англатади.

[2] <http://www.fao.org/docrep/008/y7867e/y7867e08.htm#bm08>

[3] http://www.codexalimentarius.net/web/standard_list.do?lang=en

[4] “Халол” иборасининг Қўлланилиши бўйича Умумий Қўрсатмаларнинг матни (инглиз тилида): http://www.codexalimentarius.net/download/standards/352/CXG_024e.pdf

[5] Аъзо давлатларнинг киталар бўйича рўйхати: http://www.codexalimentarius.net/web/members_area.jsp?lang=EN

- [6] <http://www.bruneihalal.gov.bn/node/61>
- [7] http://www.halaljournal.com/artman/publish_php/article_942.php
- [8] <http://www.muslim.ru/1/cont/8/28/1093.htm>
- [9] <http://www.aseansec.org/13554.htm>